

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

МУҲАНДИС- ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТР” КАФЕДРАСИ

“Ер тузиш ва ер кадастр” бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги В. Қодиров массиви худудида ер турлари бўйича йўқлама қилиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” мавзусида

Раҳбар:

Хўжакелдиев К.

Бажарди:

Хўжамуродов Х.

Маслаҳатчи

Мехнат муҳофазаси бўйича:

Каримов Суюн

«Ҳимояга рухсат этилди»

Кафедра мудири

_____ доц.М.Бозоров
« _____ » _____ 2012 й

«Ҳимоя учун ДАК га юборилди»

Факультет декани

_____ доц.М.Алиқулов
« _____ » _____ 2012 й

КАРШИ МУХАНДИСЛИК ИКТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА РАХБАРНИНГ

ТАКРИЗИ

Талаба Ҳудаймуротов Ҳасмурод Ҳудаймуродович
(исми ва фамилияси)

Мавзу Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги
В.Кефиров маскан ҳудудига ер тўрлари
бўйича йўқлиги ҳисоби ва сўғориладиган
ерлардан фойдаланишга санитария қоидаларига
Мавзунинг долзарблигини асослаш бажарилган кейинги маълумот
долзарб ҳисобланади. Чунки у долзарб ишларнинг ҳал
қилишига маскан ҳудудига ер тўрлари бўйича йўқлиги
ҳисоби ва сўғориладиган ерлардан фойдаланишга
санитария қоидаларига қаршилик ва берилган
топшириққа асосан бажарилган.

Булимлар бўйича бажарилган ишлар тавсифномаси (ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, замонавий илмий услублардан фойдаланганлиги) Битирув малакавий
ишлари бўлган бўйича бажарилган замонавий талабига
мос ҳолда илмий маълумотдан, замонавий фан техно-
логияларидан, илмий тажриба ўрнатилган.

Битирувчи ишига берилган баҳо (мустақиллиги, интизомлилиги ва б.)

Битирув малакавий иши 90 балл билан
баҳоладиган. Ҳимоядан кейин "Ер тўрлари ва ер қаддини"
йўқлигини бўйича бакалавр даражаси "Берил-
ган натижа, ҳимоя мукофоти раҳлигида ишлаб
чиқаришга қараб кета олади.

Умумий хулосалар (ишнинг БМИ топширигига мос келиши, талаб даражасига жавоб бериши, ҳимояга қуйиш мумкинлиги ва х.)

Битирув малакавий иши топшириққа мос
раҳлигида бажарилган ҳимоя талаб даражасига
жавоб бера олади.

« 25 » 06 2012 йил

Рахбар Ҳўжаелдиев Н.Н
(Фамилияси, исми-шарифи)

Имзо Ҳўжаелдиев

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Муҳандислик факультети ЭТ ва ЕК таълим йуналиши
талабаси Ўжасмуротов Қашқар нинг битирув малакавий ишига

Т А Қ Р И З

Малакавий иш мавзуси: Ўзбекистон Республикасида турмуш-
даш В. Федоров масъули ҳудудда я турмуш қўйиш
қўйиш иш иш ва сўзашардан шараф қўйиш
иш иш сўзашардан иш иш

Малакавий ишнинг ҳажми: 96

А) Ёзма изох қисми: варақлар сони: 90

Б) график қисми: чизмалар сони: 4

Малакавий иш мавзусининг долзарблиги ва берилган топшириққа
мослиги БМН берилган топшириққа мос равишда
тажарубадан иш иш мавзуси ҳудуд қўйиш
тажаруба қўйиш иш иш ва долзарб масъули
қўйиш иш иш қўйиш қўйиш

Малакавий ишнинг ёзма изох ва график материалларининг таркиби ва
бажарилиш сифати БМН ёзма изох ва график
материаллари сифати ва тажарубадан
қўйиш тажарубадан

Малакавий ишда илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илгор
тажриба натижаларидан фойдаланилганлиги
БМН иш ёзма фан-техника ютуқлари
ва илгор тажаруба натижаларидан илгор
тажарубадан, қўйиш тажарубадан

Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси қисмининг ёритилганлиги
БМН да меҳнат муҳофазаси қўйиш ва
атроф-муҳит муҳофазаси қўйиш

Малакавий ишнинг техник-иқтисодий жихатдан асосланганлиги:
БМН да тажарубадан илгор, илгор ва
тажарубадан асосланган. Република қўйиш
ва 25.0% тажарубадан

Малакавий ишдаги камчиликлари:

1. БМН да интернетдан олган маълумотлардан фойдаланишдан, аниқ дўш аракетлар қўйганга кўчиштирилган.
2. Ўлимжоний фермер хўжалиқлари чегаралари кўрсатишган.

Малакавий битирув ишининг баҳоси (максимал балл – 100 балл) ва битирувчига унга мос йўналиши бўйича «Бакалавр даражаси» берилиши мумкинлиги тўғрисида хулоса

Битирувчига "БТ" ва "БЖ" йўналишлари бўйича бакалавр даражасини берилиши мумкин.

Баҳоси 90 балл.

Такризчи:

(имзо)

С. Соудмуродова.

(мансаби, иш жойи, илм. даражаси, ф.и.ш.)

« 26 » июн

2012 йил

"Тасдиқлайман"

"Геодезия, картография ва кадастр"

кафедраси мудири Б.Б. доц. М.Бозоров

" 9 " 05 2012 й

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ УЧУН ТОПШИРИҚ

Талабанининг фамилияси, исми, шарифи: Хўжамуротов Холмурод Худоймуродович

1. БМИ нинг мавзуси: Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги В.Кодиров массиви ҳудудида ер турлари бўйича йўқлама қилиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

"19" 11 2011-йил Институтнинг № 564 /Т буйруғи билан тасдиқланган

2. Тайёрланган битирув малакавий ишнинг топшириш муддати 21-июн 2012-йил
3. БМИ учун берилган маълумотлар. Битирув олди амалиёти даврида йиғилган маълумотлар.
4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувининг мазмуни: Кириш. I-боб Массивнинг табий иқтисодий ва иқтимой шароитлари тавсифи. II-боб Массив ҳудудидаги ер турлари таркиби бўйича йўқлама қилиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. III-боб Лойихани иқтисодий ва экологик асослаш, IV-боб Мехнатни муҳофаза қилиш. Хулоса. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
5. Қўрғазмалар чизма материалларининг номлари: (чизма номлари аниқ кўрсатилсин)
1. Массивнинг ер турлари ва қишлоқ ҳўжалик экинларининг амалдаги жойлашув тарихи. 2. Массивнинг туپроқ харитаси. 3. Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш лойихаси. 4. Лойиханинг асосий иқтисодий кўрсаткичлар жадвали.
6. БМИ қисмлари бўйича маслаҳат берувчилар: _____

Қисм	Маслаҳатчи	Имзо	Сана
Мехнатни муҳофаза қилиш.	Каримов.С		24.06.12й

Малакавий ишни бажарилиши бўйича календар график

Хаф-та сон и	Битирув малакавий ишнинг бўлимлари	Малакавий ишнинг ҳажми	Умумий ҳажмига нисбатан %	Бажарилганлиги ҳақида белги	Изоҳ
1	Кириш	6	4	<i>Равшан</i>	
2	Массивнинг табиий иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифини ёзиш.	26	12	<i>Равшан</i>	
3	Массивнинг ер турлари ва қишлоқ хўжалик экинларининг жойлашиши тарҳини чизиш.	30	21	<i>Равшан</i>	
4	Массив ҳудудидagi ер турлари таркиби бўйича йўқлама қилиш ва сугориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.	21	31	<i>Равшан</i>	
5	Лойиҳавий чизмаларни чизиш.	4	45	<i>Равшан</i>	
6	Интернет ва ЭХМ дан фойдаланиш.	1	50	<i>Равшан</i>	
7	Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш.	3	75	<i>Равшан</i>	
8	Лойиҳани асосий иқтисодий кўрсаткичлари жадвалини тузиш.	1	85	<i>Равшан</i>	
9	Меҳнатни муҳофаза қилиш.		90	<i>Равшан</i>	
10	Хулоса	1	94	<i>Равшан</i>	
11	Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш.	2	94	<i>Равшан</i>	
12	БМИ ни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш.		100	<i>Равшан</i>	
		96			

Топшириқ берилган вақт

Раҳбар *Равшан*

"21" 05 2012-йил

Топшириқ олди *Равшан*

«Тасдиқлайман»

«ГК ва К» кафедраси мудири

_____доц. М.Бозоров

«_____» _____2012 й.

“Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги В. Қодиров массиви ҳудудида ер турлари бўйича йўқлама қилиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” мавзусида бажариладиган малакавий битирув ишининг

ДАСТУРИ.

БМИни бажарувчи

Хўжамуротов Х.

БМИ раҳбари

Хўжакелдиев К.

Қарши- 2012

КИРИШ.

1. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида республикамизда қишлоқ хўжалик ерларидан самарали ва оқилона фойдаланишларини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Қишлоқ хўжалигида ер турлари бўйича йўқлама қилиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни ташкил қилишда ер тузишнинг роли:
3. БМИ нинг мақсади, унга қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган маълумотлар.

I- Боб. Массивнинг табиий иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи.

- 1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар
- 1.2. Табиий шароитлари (иклими, рельефи, тупроқлари).
- 1.3. Ер ости сувлари ва ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи
- 1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи
- 1.5. Ердан фойдаланиш тавсифи
- 1.6. Деҳқончилик тавсифи
- 1.7. Чорвачилак тавсифи
- 1.8. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари.

II- боб. Массив ҳудудидаги ер турлари таркиби бўйича йўқлама қилиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

- 2.1. Массив ҳудудидан ер турлари таркиби бўйича йўқлама қилиш.
- 2.2. Ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун ажратилган ер майдонлари бўйича.
- 2.3. Массивда аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича
- 2.4. Массив ҳудуди чегараси ичида жойлашган бегона ердан фойдаланувчилар
- 2.5. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда алмашлаб экиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш асосий омилдир.
- 2.6. Ердан фойдаланувчининг иқтисодий самарадорлигини ошириш:

III- боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш.

- 3.1. Лойиҳани иқтисодий самарадорлигини асослаш
- 3.2. Лойиҳани иқтисодий асослаш ва асосий иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.
- 3.3. Лойиҳани экологик асослаш
- 3.4. Тупроқни муҳофаза қилиш
- 3.5. Табиатни муҳофаза қилиш ва уни асраш

IV – боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш.

- 4.1. Меҳнат хавфсизлигини ташкил этиш ва унинг тузилиши
- 4.2. Ер тузиш ишларини бажаришдаги хавфсизлик тадбирлари.
- 4.3. Тупроқ ишларини бажаришни хавфсизлик техникаси

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

МУНДАРИЖА

Т/р	Битирув малакавий иши бўлимлари номи	бетлар
1	Кириш	8
	Битирув малакавий ишини бажариш учун топшириқ	
	Битирув малакавий иши дастури	
2	I-БОБ. Массивнинг табиий иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи.	14
	1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар	14-15
	1.2. Табиий шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари)	15-20
	1.3. Ер ости сувлари ва ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи	21-22
	1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи	22-23
	1.5. Ердан фойдаланиш тафсифи	23-28
	1.6. Деҳқончилик тавсифи	29-31
	1.7. Чорвачилик тавсифи	32
	1.8. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари	33-34
3	II- боб. Массив худудидagi ер турлари таркиби бўйича йўқлама қилиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.	35
	2.1. Массив худудидан ер турлари таркиби бўйича йўқлама қилиш.	35-36
	2.2. Ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун ажратилган ер майдонлари бўйича	38-39
	2.3. Массивда аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича	39-40
	2.4. Массив худуди чегараси ичида жойлашган бегона ердан фойдаланувчилар	40-42
	2.5. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда алмашлаб экиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш асосий омилдир.	42-51
	2.6. Ердан фойдаланувчининг иқтисодий самарадорлигини ошириш:	51-56

4	III- боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш.	57
	3.1. Лойиҳани иқтисодий самарадорлигини асослаш	57-58
	3.3. Лойиҳани экологик асослаш	63
	3.4. Тупрокни муҳофаза қилиш	67
	3.5. Табиатни муҳофаза қилиш ва уни асраш	69
5	IV- боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш	74
	4.1. Меҳнат хавфсизлигини ташкил этиш ва унинг тузилиши	74-77
	4.2. Ер тузиш ишларини бажаришдаги хавфсизлик тадбирлари	77-80
	4.3. Тупроқ ишларини бажаришни хавфсизлик техникаси	80-88
6	Хулоса	89-92
7	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	93-95

Кириш.

Республикамызда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури 2010 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Иқтисодиётнинг мафкурадан ҳоли бўлиши, иқтисодиётни сиёсатдан устунида ўз ифодасини топган роционаллик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислоҳоти вазифасини ўз зиммасига олиш, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислоҳотларни босқичма – босқич амалга ошириш тамойиллари дунёда авж олиб бораётган иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблигини кўрсатади.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек “Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси ҳаётимизнинг барча соҳаларида айниқса бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, ва маҳаллаларни бошқаришда тармоқ бўғинларнинг идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда маъсулиятни ўз зиммасига ола биладиган ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир билимдан, ишбиларамон, одамларни топиш уларга ишонч билдиришдан иборатдир”.

Республикамыз мустақилликка эришгандан сўнг барча жабҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар ўтказилди. Хусусан, ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга эътибор қаратилди. Ер халқ хўжалигининг барча тармоқлари тизимида ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда асосий восита ҳисобланади. Шу боис у халқ ҳаёти фаолияти ва фаровонлигида биринчи даражада аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, “Фермер хўжалалиги тўғрисида” ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги, “Ер солиғи тўғрисида” ги, Давлат ер кодекси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасида давлат кадастрининг ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги ҳужжатлар ерга бўлган муносабатларни тубдан ўзгартириб юборди.

Республикамыз аграр тармоғида олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, хусусан ер ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратишни ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу борада мавжуд суғориладиган ва лалми ерлардан унумли фойдаланиш, уларнинг тупроқ унумдурлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш, уларни ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш ва ошириш уларни ҳимоя қилиш ҳамда мақсадли фойдаланишни таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигида изчиллик билан ўтказилаётган ислоҳотлар, хўжалик юритишнинг янги шакллари фермер- деҳқон хўжаликларини бошқариш тизимини яратиш ва фаолиятини эркинлаштириш борасида қилинаётган ишлар бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган. Ерга бўлган мулкчилик шакллариининг ўзгаришини ҳисобига халқимизнинг чинакам миллий бойлиги, бебаҳо мулки, ризқ- рўзимиз манбаи бўлган суғориладиган ерларга бўлган эътибор кўчаймоқда ҳамда шу билан моддий манфатдорликка эришмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. Қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат) ларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёни амалда низоҳасига етди. Хусусий фермерлар хўжаликлари, ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди. Энг муҳими қишлоқда ҳақиқий мулкдор ер эгаси пайдо бўлди.

Сўнги йилларда фермер хўжаликлариининг ер участкалари ҳажмларини мақбуллаштириш (осонлаштириш), изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда, улар фаолиятини самардорлигини оширишнинг муҳим омили бўлди. Таҳлили шуни кўрсатадики, йириклаштрилган, янада барқарор фермер хўжаликлариини шакллантириш, уларнинг шахсий айланма пул маблағларини сезиларли даражада ошириш ерлар, минерал ўғитлар, қишлоқ

хўжалик техникаси ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек меҳнатни янада ташкил этиш имкони яратилиб, фермер хўжаликларининг моддий- техника база мустаҳкамланди.

Асосий вазифаларимиз ҳозирги ва келажак авлод учун уларнинг манфатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, хўжалик юритишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқий асосда ривожлантириш учун шароит яратиш юридик ва жисмоний шахсларини ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат.

БМИ мавзусининг асосий мақсади Сурхандарё вилояти Шеробод туманидаги В. Қодиров массиви ҳудудида ер турлари бўйича йўқлама қилиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида, изланишлар олиб бориш.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда БМИ да қуйидаги вазифалар қўйилган:

- В. Қодиров массиви ҳудудида ерларни йўқлама қилиш ва ер турлари таркибини белгилаш;
- мажуд ер турлари бўйича ер майдонларини йўқлама қилиш ва чизма лойиҳаларни чизиш;
- В. Қодиров массиви ҳудудида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ерларини балл бонитиетларини аниқлаш ва уларни таққослаш.

БМИ учун танланган В. Қодиров массиви ҳудудида ер турлари бўйича йўқлама қилиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мавзуси ҳозирги кунда долзарб мавзу бўлиб ҳисобланади.

БМИ га қўйилган вазифаларни бажариш учун массив тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар асос бўлиб хизмат қилади.

1. Массив ҳудудининг табиий ва иқтисодий шароитларини тавсифловчи умумий маълумотлар;
2. Массив ҳудудида ер турлари ва қишлоқ хўжалик экинларининг амалдаги жойлашув тарҳи;
3. Массивнинг тупроқ харитаси
4. Массивнинг ер фонди. (2012- йил 1- январ ҳолатига кўра);

I-БОВ. Массивнинг табиий иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи.

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

В. Қодиров номли массив Сурхандарё вилояти Шеробод туманининг жанубий қисмида жойлашган. Массив шимолий ғарб қисмидан Шеробод шаҳри ерлари билан, шимол томонидан У. Туропов номли массив ерлари билан, шимолий шарқ ва шарқ томонидан Қизирик тумани ерлари билан, жануб томонидан Музробод тумани ерлари билан, жанубий ғарб томонидан истиқбол массиви ерлари билан, ғарб томонидан Э. Бердиев номли массив ерлари билан чегарадош. 2012- йил 1- январ ҳолати бўйича массив чегарасидаги умумий ер майдони 6943 га ни ташкил қилади. Ҳудуднинг шакли бўйича ихчамлик коэффиценти 1,7 га атрофида тенг.

Массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг асосий ишлаб чиқариш йўналиши пахтачилик ва ғаллачилик (узумчилик, боғдорчилик ва чорвачилик) бўлсада шу билан бир қаторда ёрдамчи тармоқ сифатида пиллачилик билан ҳам шуғулланади. Қишлоқ хўжалик экин ерлари 4580 гектар бўлиб, суғориладиган ерлари 4580 гектар. Массив ҳудудида 20012 йил 1- январ ҳолатига кўра 71 та фермер хўжаликларига бириктириб берилган. Массив ҳудуди вилоят маркази Термиз шаҳри ва туман маркази Шеробод шаҳри, ҳамда маҳсулот қабул қилиш пунктлари билан асфальт йўллар билан боғланган. Массив маркази Сарқамиш қишлоғидан туман марказларигача бўлган масофа 9,0 километр атрофида.

1.2. Табиий шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари)

Иқлими: В. Қодиров номли массив жойлашган туман ва вилоят иқлими кескин континентал иқлим бўлиб асосий деҳқончилик Маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун анча қулай ҳисобланади.

Кўп йиллик об- ҳавони кузатишдан маълумки, бир йиллик ўртача ҳарорт бу ерда 18-20 С ни ташкил қилади ва энг иссиқ даврда ҳавонинг ҳарорати + 43 ,+45 С ни энг совуқ даврда эса – 23 С ни ташкил қилади.

Бир йиллик ҳаво ҳароратининг тебраниши 66 даражани ташкил этган ҳолда вегетация давридаги фойдали ҳарорт 2220-2260 С ни ташкил этади. Шеробод туманининг ўртача иқлими ҳарорати “Шеробод” метеостанциясидан олинган маълумотларга қараганда қуйидагича

- бир йиллик ўртача ҳарорат + 10,8 с
- январ ойидаги ўртача ҳарорат – 40 с
- июль ойидаги ўртача ҳарорат + 32, 6 с

Шеробод туманида, жумладан В. Қодиров номли массив ҳудудида совуқ кунлар миқдори 72 кунни ташкил этади. Қишнинг (ноябрьнинг иккинчи ярми, декабрь, январь,февраль, мартининг биринчи ярми) 26 % даврида тупроқнинг ҳолати бўйича унга ишлов бериш мумкинлиги аниқланган. Совуқсиз кунлар 200- 210 кунни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун энг қулай муддат массивда апрель ойининг бошларида тўғри келади.

Массив ҳудудида йил давомида ёғингарчилик кам бўлади ва 80-100 мм ташкил қилади. Энг кўп ёғингарчилик баҳор ойларида бўлади. Ёз ойида умуман ёғингарчилик бўлмайди.

Шамолнинг бир йиллик ўртача тезлиги 4- 5 м/ сек ни ташкил этади. Шамол асосан шимолий Шарқ томонидан эскани ҳолда бу умумий шамол миқдорининг 36 % ни шимолий ғарбдан эсадиган шамол миқдори 18 % ни ғарбдан 10 % ни шимолдан 15 % ни шарқ томонидан 6- 10 м/ сек тезликда эсадиган шамол миқдори 14 % ни ташкил қилади.

Тупроқлари. Массив худудида қуйидаги генетик гуруҳга кирувчи тупроқлар учрайди:

Қадимида суғориладиган, ва янгидан ўзлаштирилган ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи суғориладиган ўтлоқи- бўз, сахро- ўтлоқи, тақир- ўтлоқи воҳали ва бошқа турли даражада шўрланган тупроқлар тарқалган.

Бу тупроқлар турларининг асосий физикавий ва кимёвий хоссалари массивнинг тупроқ харитасида ва унинг экспликациясида кўрсатилган ва туширилаган.

Ўрганилган турли тупроқларнинг кимёвий таҳлил натижалари улардаги тузлар таркиби, миқдори ва сифати массив учун тузилган тупроқлар шўрланиш картограммасида ва унга тегишли экспликацияда аниқ кўрсатилган.

Тупроқларнинг шўрланиш даражаси асосан уларнинг таркибидаги хлор ионнинг, сульфат ионининг ва қуруқ қолдиқ миқдорида боғлиқ

- кам шўрланган ерлар 1770 га
 - ўрта шўрланган ерлар 710 га
 - кучли шўрланган ерлар 120 га
- шўрланмаган ерлар 2969 га ни ташкил қилади.

Массивнинг тупром ҳаритаси.



Шарҳи қисм алоҳида

Р. Б	иш	Шарҳи қисм алоҳида
В. Б	иш	Шарҳи қисм алоҳида
В. Г	иш	Шарҳи қисм алоҳида
Г. Д	иш	Шарҳи қисм алоҳида
Д. Е	иш	Шарҳи қисм алоҳида
Е. Ж	иш	Шарҳи қисм алоҳида
Ж. А	иш	Шарҳи қисм алоҳида

1:10000. МАССИВНИНГ ТУПРОҚ ҲАРИТАСИ.

Массив ҳудуди ерлардаги шўрланишнинг асосий манбаи, турли даражадаги минераллашган сизот сувлари ҳисобланади. Уларнинг иссиқ кунлари даврида боғланиш натижасида суғориладиган ерларда ҳар хил кўринишга эга бўлган шўрланиш майдонлари ҳосил бўлади.

Умумий шўрланиш майдони анча мунча ўзгармаган бўлса ҳам шўрланиш даражаси бўйича бир мунча ўзгаришлар содир бўлган. Бу жараён суғориладиган тупроқлар эрувчан тузларнинг тўпланишига ва уларнинг ювилишига боғлиқдир. Шу боис ҳам массивда шўр ювиш ишларини олиб бориш ва қишлоқ хўжалик экинларининг жойини алмаштиришга ёки бошқа хил алмашлаб экишни жорий қилишга олиб келади.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқларнинг унумдорлигини ошириш, асосан шўр ювиш ишлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, бош агромелиоратив чора тадбирлардан ҳисобланади. Шунинг учун массивда тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва механик таркибга кўра шўр ювиш меъёри ва вақтлари кўрсатилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу амалий маълумотлар массив учун тузилган шўр тупроқлар картограммаси ўз аксини топган. Шуни таъкидлаш лозимки, бу агромелиоратив тадбирлар тупроқлар кесмасининг турлича таркибли қатламлардан кетма-кет тузилишини инобатга олмаган, чунки тупроқларнинг юқори қатламларининг механик таркиби бир хил тузилишида бўлса, аммо тупроқ кесмасининг пастки қисимлари ўрта ёки оғир қумлоқли заррачалардан иборат. Бу тупроқлар профилдан самара бермайди. Бундай хилдаги тупроқлардаги тузларни, ювиш учун шўр ювиш меъёри 25-30 % га ошириш керак.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқларнинг шўрини ювиш учун массив ҳудудига хўжаликлараро бўлган коллектор, зовур ва дренажларнинг чуқурлигини 2,5- 3,0 метр чуқурликка етказиб уларнинг оқовалигини яхши таъминлаш лозим. Бу ишларни комплекс агротехник ва мелиоратив тадбирларни қўллаш билан амалга ошириш мумкин. Бу натижасида массивнинг ер майдонларида шўр тупроқларнинг майдонлари камаяди, уларнинг унумдорлиги ошади ва кўпаяди, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ошади.

1.3. Ер ости сувлари ва ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.

Ер усти ва ер ости сувларнинг массив ҳудуди ерлари асосан Шеробод марказий канали, Аму Занг канали бундан ташқари Қорасув ва Шеробод дарёларидан сув олади.

Массивнинг сув билан таъминланиши яхши. Қўрғоқчиликка учраган йилларда массивда сув танқислиги яққол намоён бўлди шу муносабат билан суғориладиган майдонларида ерларни суғориш учун захкаш сувларидан ҳам баъзан фойдаланилади.

Массивнинг барча майдонлари суғориш тармоқлари билан етарлича яхши таъминланган. Бунда асосий массив ҳудудидан ўтувчи Шеробод марказий канали ҳамда Аму Занг канали ва Қорасув ва Шеробод дарёларидир. Массив ичида қурилган суғориш каналларининг асосий намлиги шундан иборатки ушбу тармоқлар ерда қазилган, турли муҳандислик- гидротехник иншоотлар билан нисбатан кам таъминланган. Натижада айниқса вегетация даврида меъёридан анча ортиқча микдорда сувнинг исроф бўлиши кузатилади. Массивдаги суғориш каналларининг ўртача йиллик фойдали иш коэффициенти (ФИК) 0,58-0,60 ташкил этади, яъни умумий сув микдорининг 42- 45 % исроф бўлади. Бундан ташқари массив ҳудудининг баъзи жойларида учрайдиган, қинғир- қийшиқ, майда суғориш тармоқларининг мавжудлиги, далалар сатҳининг кичиклиги, далаларнинг нотўғри тузилганлиги ҳам сувнинг ортиқча исроф бўлишига олиб келади.

Меъёридан ортиқча ер ости сувларини йиғадиган ва массив ҳудудида ташқарига олиб чиқадиган тармоқ- Коллектордир (захкаш). Коллектор тармоғи ҳам массив ҳудудида яхши ривожланган, чунки ҳар йилги далалар шўр ювиш, баҳор ойлари ер ости сувларининг кўтарилиб кетишини олдини олиш туман балки вилоят қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосини ташкил этади.

1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.

Массив худудида жойлашган аҳоли пунктларида оилалар сони 2012 йил 1- январ ҳолатига кўра 2804 та, Аҳоли асосан 4 та қишлоқда истиқомат қилади. Массивда 1 та марказий қишлоқ мавжуд. Мавжуд қишлоқлар бир- бирлари билан яхши йўл алоқасига эга. Қишлоқлардаги аҳоли сони ҳамда қишлоқларнинг ободонлаштирилганлик даражаси куйидаги 1.1-жадвалда келтирилган

1.1- жадвалда

Қишлоқлар номи	Оилалар сони	Аҳоли сони		Маданий маиший бино ва иншоотлар	Ободонлаш тирилганлиги	Бириктирилган ер майдони, га
		ҳаммаси	Меҳнатга яроқлилар			
Сариққамиш	693	2895	1386	Идора,мактаб, маҳалла гўзари, саргарошхона	Газлашган,электр лашган, ичимлик суви билан таъминланган	970,6
Чўйинчи	780	3299	1560	Магазин, чойхона	Газлашган,электр лашган, ичимлик суви билан таъминланган	150,5
Қишлоқбозор	751	3951	1501	Мактаб, боғча магазин,	Газлашган,электр лашган, ичимлик суви билан таъминланган	375
Сеилон	580	3875	1160	Мактаб, магазин	Газлашган,электр лашган, ичимлик суви билан таъминланган	266,7
Жами:	2804	14020	5607			889,8


1.5. Ердан фойдаланиш тавсифи.

2012 йил 1- январ ҳолатига кўра В. Қодиров номли массивга 6943 га ер майдони фойдаланиш учун бириктирилган. Массив ер турлари бўйича тақсимланиш тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 1.2. – жадвалда келитирилган.

1.2.жадвал
МАССИВНИНГ ЕР ФОНДИ.

Т/р	Ер турлари Номи	Умумий Майдони -га	Умумий майдонга нисбатан % ҳисобида	Қишлоқ хўжалиги ер турларига нисбатан % ҳисобида
1	Экин ерлари, жами: Суғориладиган. Суғорилмайдиган.	4580 4580	66,0 66,0	90,2 90,2
2	Кўп йиллик дарахтзор Боғлар Узумзорлар Тутзорлар	315 117,0 64,0 134,0	4,5 1,7 0,9 1,9	6,2 2,3 1,3 2,6
3	Пичанзор ва Яйловлар	181	2,6	3,6
4	Жами: Қишлоқ хўжалик ер турлари . Суғориладиган. Суғорилмайдиган	5076 4895 181	73,1 70,56	100
5	Томорқа ерлари ва боғдорчилик, сабзавот Уюшма ерлари: Шу жумладан: Суғориладиган.	777 669	11,1 9,6	
6	Мелиоратив ҳолатидаги Ерлар	-	-	
7	Ихота дарахтзорлари ва теракзорлари.	5	0,07	
8	Ариқлар, завурлар ва каналлар тагидаги ерлар	371,6	5,35	
9	Йўл тагидаги ерлар	76,8	1,18	
10	Қурилишлар кўчалар, саройлар ва майдонлар.	153	2,2	
11	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	483,6	7,0	
12	Массивга бириктирилган жами ерлар	6943	100	

1.2. Расм. Массив ер ва экин турларини амалдаги жойлашув тарҳи.



Юқоридаги 1.2- жадвалдан кўринадики, массив умумий майдонининг 66,0 % ини ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Дарахтзорлар майдони 315 га, бу эса умумий майдонининг 4,5 % ини ташкил этади. Ер майдонининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳудудда 181,0 га пичанзор ва яйловлар мавжуд бўлиб, бу ерларнинг бир қисми келажакда қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ўзлаштириш мумкин. Булар фойдаланиладаган ер майдонларини кенгайтиришнинг ички имкониятлари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик ер турлари 5076,0 га бўлиб умумий ер майдонининг 73,1 % ини ташкил қилади.

Массив ҳудудида фермер хўжаликларига бириктириб берилган ерлар майдони 5281,77 га ташкил қилмоқда. Бу умумий ер майдонининг 75,2 % ини ташкил этади. Фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 73,5 га ни ташкил қилади.

Бундан ташқари массив ҳудудида пахтачилик ва ғаллачилик йўналишларидан ташқари чорвачилик ҳам ташкил топган. Фермер хўжаликлари тўғрисидаги умумий маълумотлар қуйидаги 3- жадвалда келтирилган.

3- жадвал

[illegible]

[illegible]

1.6. Деҳқончилик тавсифи.

Массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолияти 2011 йил маълумотлари бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, асосий деҳқончилик тармоғи пахтачилик ва ғаллачилик ҳисоблангани ҳолда, боғдочилик, пиллачилик тармоқлари ҳам мавжуд бўлиб бу тармоқлар ҳам ривожланмоқда. Деҳқончиликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган экин майдонлари қуйидаги **1.4- жадвалда** келтирилган.

1.4- жадвал

Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинлари таркиби.

Т/р	Экин турлари	Экин майдонлари	Шу жумладан
1	Пахта	2360	51,5
2	Ғалла жами: шу жумладан Суғорилдиган суғорилмайдиган	1922,6 1922,6	42,0
3	Сабзавотчилик	97,4	2,1
4	Ем-хашак экинлари	200	4,4
	Жами	4580	100

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ҳайдалма ерларда пахта экини билан банд майдон 2360 га бўлиб, умумий экин майдонларининг 51,5 % ни ташкил қилади. Дон майдонлари ҳам умумий экинларнинг 1922,6 га ни ёки 42,0 % ни ташкил этади. Ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда экин майдонларининг миқдори билан бирга етиштирилган маҳсулотларнинг миқдори, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қуйидаги **1.5- жадвалда** деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

1.5- жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари.

Т/р	Экин турлари	Майдони.га	Ҳосилдорлиги .ц/га	Ялпи маҳсулотлар ҳажми тонна
1	Пахта	2360	24,1	5687,6
2	Ғалла жами: шу жумладан Суғорилдиган суғорилмайдиган	1922,6 1922,6	23,2	4460,4
3	Сабзавотчилик	97,4	235	2288,9
4	Ем-хашак экинлари Беда Маккажўхори	200 150 50	135 52	2025 260
5	Жами экин майдони	4580		

Массив ҳудудида 2012 йил 1- январга 5607 меҳнатга қобиятли киши мавжуд бўлган. Шундан 1402 киши тўғридан- тўғри фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қатнашган 4205 киши эса бошқа иш билан банд бўлган.

Массивда фермер хўжаликларига бириктирилган ҳайдалма ерлардан ташқари 1170 га боғ, 640 га узумзор ва 134,0 га тутзорлар мавжуд.

Массивда боғдорчилик майдонлари ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларидан олинаётган маҳсулоталр миқдори **1.6- жадавалда** келтирилган.

1.6- жадавал

Қишлоқ хўжалик ер турлари таркиби, ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулоти

Т/р	Қишлоқ хўжалик ер турлари	Майдони.га	Ҳосилдорлик .ц/га	Ялпи маҳсулотлар тонна
1	Боғлар	117,0	40	468
2	Узумзорлар	64,0	45	788
3	тутзорлар	134,0	75	1005
4	Пичанзорлар ва яйловлар	181,0	25	452,5

1.6- жадавадаги маълумотларга кўра, боғлардан олинаётган ҳосил бугунги кун талабидан анча паст.

1.7. Чорвачилик тавсифи.

Массивда чорвачилик соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунга асосан массив ҳудудида чорвачиликни янада ривожлантириш учун кўплаб тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу эса массивнинг ўз озуқа баъзасига эга бўлишини кўзда тутди. Чорвачилик массивининг ёрдамчи хўжалик тармоғи ҳисобланади. Массивда чорвачиликка ихтисослашган 2 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, булар асосан сут ва йирик шохли қорамоллар гўштини етиштиришга қаратилган. Уларга 128,15 га ҳайдалма ер майдони бириктирилган.

Қуйидаги **1.7.- жадвалада** чорва моллари ва чорвачиликдан олинган маҳсулоталр миқдори тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

1.7.- жадвал.

Чорва молларининг турлари ва таркиби ва маҳсулотларнинг миқдори.

Т/р	Моллар турлари ва кўрсаткичлари	Бош сони	Умумий бош сонига нисбатан %	Миқдори тонна
1	Йирик шохли қорамоллар жами: етиштирилган гўшт	250	100	15,5
2	Соғин сигирлар жами: етиштирилган сут	100	40	120
3	Пилла	-	-	16

1.8. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари.

Массининг ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш учун асосан иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим.

1.8.- жадвал.

Сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати.

Т/р	Қишлоқ Хўжалик Маҳсулотлари номи	Миқдори тонна	Ўлчов бирлиги баҳоси. минг сўм 1 тоннаси	Умумий баҳоси, минг сўм	Сотиладиган маҳсулотлар қиймати, минг сўм
1	Пахта	5687,6	700	3981320	3981320
2	Ғалла	4460,4	300	1338120	1137402
3	Сабзавот	2288,9	300	686670	686670
4	Мева	468	600	280800	280800
5	Узум	788	600	472800	280800
6	Маккажўхори дони	260	200	52000	-
7	Пичан	452,5	2900	1312250	-
8	Пилла	16	5000	80000	80000
9	Гўшт	15,5	7500	116250	119250
10	Сут	120	500	60000	60000
	Жами:			8380210	6815242

1.9.- жадвал.

Массивнинг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Ялпи маҳсулот қиймати Шу жумладан: Дехқончилик Чорвачилик	минг сўм минг сўм минг сўм	8380210 6815242 176250
2	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари Соф даромад. Рентабеллик	минг сўм	7123178,5 1257031,5 17,0

1.9.- жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2011 йил якунлари бўйича фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотнинг умумий қиймати минг сўмни, ишлаб чиқариш

харажатлари 7123178,5 минг сўмни, соф даромад 1257031,5 минг сўмни ва самарадорлик кўрсаткичи 17,0 % ни ташкил этади.

II- боб. Массив ҳудудидаги ер турлари таркиби бўйича йўқлама қилиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

2.1. Массив ҳудудидаги ер турлари таркиби бўйича йўқлама қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11- мартдаги 03/24-3- сонли топшириқнинг ижросини таъминлаш мақсадида Шеробод тумани В. Қодиров массив ҳудудида мавжуд ер турлари таркиби бўйича хатловдан ўтказиш натижалари бўйича.

Шарҳ хати.

Шеробод тумани В. Қодиров массив ҳудудида 2011 йил 1- январ ҳолатида бўлган ҳисобот бўйича умумий ер майдони 6943 гектарни ташкил этади, шундан суғориладиган экин ерлари 4580 гектар, кўп йиллик дарахтзорлар жами 315 гектар, шундан 117 гектар боғ, 64 гектар узумзор, 134 гектар, 2 гектар бошқа кўп йиллик дарахтзорлар, 181 гектар пичанзор ва яйлов ерлар, 777 гектар аҳоли томорқа ерлари, 5 гектар ўрмонзор ва 1085 гектар бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилидаган ерларни ташкил этади. Йўқлама қилиш ва хатлов натижасида ҳақиқатда умумий майдони 6943 гектарни ташкил этди шундан суғориладиган экин ерлари 4580 гектар кўп йиллик дарахтзорлар жами 315 гектар шундан 117 гектар боғ, 64 гектар узумзор, 134 гектар тутзор, 181 гектар пичанзор ва яйловлар ерлар, 777 гектар, аҳоли томорқа ерлари қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларни ташкил этади.

Массив ҳудудида 71 та фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага фойдаланиш учун ажратилган 4283,13 гектор суғориладиган экин ерлар 141,2 гектарга кўпайган, шундай фермер хўжаликлари томонидан 176,8 гектар кўп йиллик дарахтзорлар бузилиши ҳисобидан кўпайган. (камайган бўлса камайиш сабаби фермер хўжаликлари кесимида ёзилади).

Ерларни йўқламадан ўтказиш мобайнида аниқланган жами 4580 гектар суғориладиган экин ер майдонидан бугунги кунда жами 390,4 гектарида умуман экин экиш имкони мавжуд эмас, шундан “Абдуллаева Насиба Абдугафоровна” фермер хўжалигининг 1187,1184,1255- контурлардаги 18,6 гектар, “Райимова Зухра Гуласал” фермер хўжалигининг 745-743- контурлардаги 17,2 гектар, “Тожиёв Улуғбек Тоҳирович” фермер хўжалигининг 495- контурдаги 17,4 гектар “Ўктамона Зебинисобону” фермер хўжалигининг 745- контур экин ерлар ер ости сув сатҳининг кўтарилиб кетганлиги ёки ерларнинг ўта шўрланганлиги, сув йўлларининг бузилиб кетганлиги охириги 4-5 йиллар мобайнида сув танқислиги туфайли бугунги кунда ушбу экин ерлар ташландиқ ҳолатга келган.

Кўп йиллик дарахтзорлар ҳисоботга нисбатан 176,8 гектар камайган шундан 84,4 гектар боғ, 58,3 гектар узумзор, 32,1 гектар тутзорлардир.

а) Фермер хўжаликлари бўйича

Массивда жами 71 та фермер хўжаликларига 5218,77 гектар ер майдони ажратилган бўлиб шундан 59 таси пахтачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари 4998,27 гектар, 2 таси чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги 128, 15 гектар, 8 таси боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига 79,65 гектар, 2 таси узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликлар 12,7 гектарни ташкил қилади.

б) 2012 йил ҳосили учун пахта- ғалла майдонлари бўйича:

2012 йил ҳосили учун 2360 гектар пахта, 1922,6 гектар ғалла режалаштирилган бўлиб ҳақиқатдан хатлов ўтказганда пахта экилган майдон 2360 гектарни ташкил этди, ғалла майдони эса 1922,6 гектарни кўрсатди. Экилган пахта майдонининг барчаси униб чиққан.

с) Аҳоли тармоқлар (дала томорқаси) бўйича:

Аҳоли томорқаси (дала томорқаси) уй жой қургани, қурилмагани, массивда 2004-2008 йиллар давомида фуқароларга яқка тартибда уй-жой қурилиши учун 12 гектар ер майдони ажратилган шундан 11 тасида 1,2 гектарда қурилиши бошланган.

2.2. Ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун ажратилган ер майдонлари бўйича

Чорвачилик фермер хўжаликлари таҳлилига кўра массивда жами 2 та чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва хусусийлашган чорвачилик фермерлари мавжуд бўлиб, уларга жами 128,15 гектар ер майдонлари беркитиб берилган.

Статистика органлари томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, мавжуд чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва хусусийлашган чорвачилик фермерларида жами 250 шартли қорамол бош сонларига 9, 5 гектар амалда кам ер майдони бириктириб берилган:

2.3. Массивда аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича

Массив бўйича жами 4 та ҳолатда 6,09 гектар майдонида қонун бузилганлиги аниқланди: Жумладан:

Уй-жой қуриш учун ноқонуний ер майдонлари ажратиш 1 та ҳолатда 0,08 гектар майдонда, шундан пахта- ғаллачилик йўналишидаги “Ибрагимов Эркин Юнус” фермер хўжалигининг 436 контуридаги суғориладиган экин майдонининг 0,08 гектарини Сарикқамиш ҚФЙ раиси Султонова Г. томонидан ноқонуний равишда уй- жой қуриш учун фуқаро Омонов Фарҳодга 2002 йил 24 июндаги ҚФЙ нининг 6- сонли қарори билан ажратиб берилган, фуқаро Омонов Фарҳод томонидан ноқонуний ажратиб берилган 0,08 гектар ер майдонига иморат (уй- жой) қурилган.

Фермер хўжаликлари томонидан ноқонуний қурилиш 1 та ҳолатда 0,06 гектар майдонда шундан пахта- ғаллачилик йўналишидаги “Зубайда момо Қурбонназар қизи” фермер хўжалиги раҳбари Ш. Муҳаммадиев томонидан ўзига беркитиб берилган 1079 контурдаги суғориладиган экин ер майдонидан 0,06 гектар майдонига ноқонуний равишда иморат (дала шийпони) қурилган.

Кўшимча ер (ерга ер қўшиш имконияти бор ерлар)

Массив бўйича 642, 210, 1152- контурдаги далла четлари, ариқ ва зовурлар, йўллар ҳимоя зоналари ҳисобидан 0,5 гектар кўшимча ер қўшиш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари массив ҳудудини ҳатлов қилиш натижасида массивда ботқоқликлар 11,7 гектарни бутазорлар 19,1 гектарни, дарё ва сойликлар 0,2 гектарни, ариқлар, каналлар, зовурлар томдаги ерлар 371,6 гектарни йўл тагидаги ерлар 76,8 гектарни ва қурилишлар, кўчалар, сарой ва майдонлар 99,2 гектарни ташкил этади.

2.4. Массив ҳудуди чегараси ичида жойлашган бегона ердан фойдаланувчилар

Массив ҳудудида бегона ердан фойдаланувчилар ер майдонларини йўқламадан ўтказиш натижалари бўйича 308,21 гектарни ташкил этади. Қуйидаги келтирилган 2.1- жадвалда бегона ердан фойдаланувчилар рўйхати келтирилган.

2.1- жадвал

В. Қодиров номли массив чегараси ичида жойлашган бегона ердан фойдаланувчилар рўйхати

Т/р	Ердан фойдаланувчилар	Умумий майдони		
		Ер баланси бўйича 01.01.2011	Йўқлама бўйича	Фарқи + : -
1	Катта ўзбек трактори	58,6	71,5	12,9
2	Тош –шағал каръери	24,0	11,0	-13,0
3	Тош заводи		4,8	4,8
4	Пахта тозалаш цехи	0,4	3,6	3,2
5	Қишлоқ врачлик пункти	1,7	2,7	1,0
6	Қабристонлар	8,4	11,8	3,4
7	Мактаблар	8,6	15,1	6,5
8	Болалар боғчаси	-	0,7	0,7
9	Дўконлар	0,6	0,3	-0,3
10	Автобаза № 20	4,1	3,8	-0,3
11	Автомобилларга хизмат кўрсатиш шаҳобчаси	2,5	1,8	-0,7
12	Автомобилларга газ қуйиш шаҳобчаси	1,1	1,2	0,1
13	Загаткантора	1,0	1,4	+0,4
14	Балиқчилик ховўзи		9,1	9,1
15	Ичмлик сув тўплаш жойи	1,1	1,4	0,5
16	Касб-ҳунар коллежлари	8,8	8,8	-
17	Термиз –Тошкент авто йўли	7,1	7,1	-
18	Аму Занг канал	20,1	20,1	-
19	Насос станцияси бошқармаси	8,7	8,7	-
20	Шерабод дарёси	81,4	81,4	
	Жами	188,1	308,21	38,71

2.2- жадвал

В. Қодиров номли массиви ер майдонларини йўқламадан ўтказиш натижалари бўйича ер фондининг ҳолати

Т/р	Ер турлари	01.01.2011 йил ер баланиси	Инвестиция бўйича	Фарқи + : -
1	Экин ерлари	4580	4580	
2	Шу жумладан : Суғориладиган: Суғорилмайдиган	4580	4580	
3	Кўп йиллик дарахтзорлар	315	315	+7
	Шу жумладан	110	117	+4
	Боғзорлар	60,0	64	+4
	Ўзумзорлар	130	134	
	Тутзорлар			
4	Бўз ерлар Пичанзорлар ва яйловлар	181	181	
5	Жами қишлоқ хўжалик ерлари:	5076	5076	
6	Томорқа ерлари: Шу жумладан: суғорилган	759	777 669	+18
7	Ихота дарахтзорлар теракзорлар	15	5	-10
8	Ариқлар , каналлар ва зовурлар тагидаги ерлар	365,6	371,6	-6
9	Йўл тагидаги ерлар	70,8	76,8	+6
10	Ижтимоий бинолар , қурилишлар, кўчалар сарой ва майдонлар	80,2	99Э,2	+19
11	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар	140,2	145,2	+5
11	Жами хўжалик фойдаланиладиган ерлар	4800,9	4933,9	+133
12	Бундан ташқари бегона ердан фойдаланувчилар	302,91	308,21	5.3
13	Мавжуд фермер хўжаликлар фойдаланаётган ерлар	5214,77	5218,77	4.0
	Жами массив чегарасидаги ерлар	6747,7	6943	195,3

2.5. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда алмашлаб экиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш асосий омилдир.

Олиб борилган илмий изланишлар, бу соҳада тадқиқотлар олиб борган етакчи олимлар ва мутахассислар фикрини умумлаштириш шуни кўрсатдики, массивда суғориладиган ерларга хос табиий сифат шароитлари, тупроқ таркиби ва мелиоратив ҳолатини ерларнинг сифат кўрсаткичларини ва шўрланиш даражасида келиб чиққан ҳолда бу соҳада улкан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш талаб этилади. Ер ости сувлари сатҳини меъёрий даражада ушлаб туриш ерларнинг шўрланиш даражасини пасайтириш орқали мелиоратив ҳолатини яхшилашда қаратилган тадбирларга тизимли ёндашиш зарур. Бундай тизим ўз ичига суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга йўналтирилган техник, технологик, ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий омилларни қамраб олади ҳамда аниқ амалий вазифаларни ечишга йўналтирилган бўлиши мақсадга мувофиқ техник омилларни амалга оширишда қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириши лозим.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қуйидаги йўналишлардан давом этириш мақсадга мувофиқ:

- мақбул сув- туз режимини барпо этиш тупроқ шўрсизланишини тўла таъминлаш учун Коллектор зовур тизимларининг ва вертикал скважиналарнинг техник носозлиги ва иш самарасини ўта пастлиги боис вужудга келган гидроморф сув режимининг (сизот сувлари чуқурлиги 0,0-2,0 метр) ярим гидроморф (2,5-3,0 метр) режимга ўтказиш.
- мақбул ярим гидроморф мелиоратив режимини барпо этиш учун массив туман, вилоятлар суғориладиган ерларнинг ва умуман суғориш тизимларининг асосий қисмида зовур тармоқларини қайта қуриш, қолган майдонларда эса капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш;
- тупроқларни тўла шўрсизлантириш, унумдорлигини мўътадил даражага келтириш ва кафолатли юқори ҳосил олиш учун зовур тармоқларини солиштирма узунликлари гектар бошига камида 45- 50, айрим кучли ва жуда кучли шўрланган, сув ўтказувчанлиги паст оғир механик таркибли тупроқларда 80-100 погон метрга етказиш;
- Суғориш полосаларини таъмирлаш ва қайта қуриш уларни электр энержияси ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлаш, суғориш иншотлари қувурлари, бетон-лотокларни таъмирлаш (Гидроизоляция, облицовкалаш), техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш;
- Сизот сувлари оқимини вақтинча таъмирлаш ва иккиламчи шўрланиш жараёнларининг олдини олиш мақсадида хўжаликлараро ва хўжалик ҳудудидаги зовур тармоқларини ҳар йили камида 60-65 % сифатли тозалаб туриш керак.
- Мавжуд коллектор – дренаж тизимларининг етарли чуқурлик ва узунликдаги бўлиниши, уларнинг ишлаши сизот сувлари сатҳини киритик чуқурликдан пастда бўлишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;
- Коллектор- дренаж тармоқларини мунтазам яхши ҳолатда ушлаб туриш ва фойдали иш коэффицентини ошириш иш самарадорлигини пасайишига йўл қўймаслик
- тупроқларнинг хосса хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ювишга сарфланадиган сув меъёрларини ва ювиш муддатларини аниқ ишлаб чиқиш керак каби тадбирлар, бундан ташқари технологик омиллар тошли шағалли ерларни колматаж қилиш дуккакли экинларни экиш орқали тупроқ унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш янгидан ўзлаштирилаётган ерларда тупроқни маданийлаштириш унумдор чириндили қатлам ҳосил қилишга алоҳида аҳамият бериш ноанъанавий уғитлар-агрорудалар ва улар асосида тайёрланган конпостларни, таркибида озуқа экинларига бўлган хомашё ва чиқиндилардан фосфит, фосфомис кабиларни қўллаш суғориш тармоқларини ва экин майдонларида сувнинг исроф бўлишини максимал даражада камайитириш ва суғориш меъёрларини белгилашда тупроқ типларини ва уларнинг сув – физик хоссалари, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги майдонларининг зовур билан таъминланганлиги ҳисобига олишини зарур. Экинларни тупроқ дала нам сиқими 65-70 % бўлганда 700 дан

900- 1100 м 3 га меъёрида суғоришга эришиш мақсадга мувофиқ ерларнинг шўрини мунтазам ювиб туриш, шўр ювиш ишларини тупроқнинг сифати ва таркиби шўрланиш даражаси ер майдонлар рельефини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш енгил механик таркибини тупроқларда шўр ювиш меъёрларининг мақбул кўрсаткичлари кучсиз шўрланган тупроқларда 3-5 минг м/3 сульфатли шўрланиш типларида 7 минг м/3 ўртача шўрланган тупроқларда 5-7 (10) ва кучли шўрланган оғир механик таркибли тупроқларда 8-10 (12-15) минг м/3 миқдорида белгилашни зарур кучли типлашган таркибида 25 -30 % ортиқтипли ва қалин гипс қатламлари бўлган кучли шўрланган ҳосилдорлиги 8-10 центнердан ошмайдиган унумдорлиги ниҳоятда паст мелиорациялаш даври 6-8 йилдан ортиқ муддатни ташкил этадиган ерлардан чорвачилик мақсадида фойдаланиш уларга озуқабоп (турли ўтлар), дуккакли (беда) ва бошқа шўрга чидамли экинларни жойлаштириш ёки ғалла полиз экинлари кўп йиллик ўтларга ихтисослаштириш.

Массивда ер майдонларидан самарали фойдаланишни яхшилаш тартибларидан бири бу ташкилий омиллар бўлиб, бу тадбирларга қўйидагиларни киритишимиз мумкин:

- илмий асосланган ер тузиш ишларини такомиллаштириш;
- экин турларини ҳудудлар ва массивлар бўйича жойлаштиришнинг оқилона тизимини жорий этиш;
- суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кўчайтириш;
- тупроқ унумдолиги ва сифати унинг шўрланиши устидан доимий мониторинг ўрнатиш;

- массивда давлат ер кадастри тизимини тўлиқ амалга ошириш каби тадбирлар бўлса ҳукукий омиллар эса табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини такомиллаштириш ерларнинг унумдорлигини пасайтириш мелиоратив ҳолатини ёмонлаштириш юзасидан жавобгарлик чораларини кўчайтириш ер ижросини шартномасига ерларнинг ирригацион- мелиоратив ҳолатини сақлаш ва яхшилиш бўйича шартларни кўчайтириш ер ҳукуқини экологиялаштириш бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларидан унумли фойдаланиш каби тадбирлардир.

Хар қандай ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ифодасида иқтисодий натижага эришиш учун массивда ер ресурсларидан фойдаланишда иқтисодий омиллар сифатида қўйидагиларни келтиришимиз мумкин.

- массив ҳудудида мелиоратив ҳолати ёмон кучли шўрланган ерларни имтиёзли соликка тортиш;

- массивда ерларнинг мелиортив ҳолатини яхшилашга йўналтирган капитал сарфларни ягона ер солиғи суммасидан чегириб қолиш амалиётини қўллаш жумладан ернинг табиий унумдорлиги 144/га эканлигини ҳисобга олсак ўртача ва кучли шўрланган ерларда маҳсулот етиштирилаётган фермер хўжаликлари учун ягон солиқ имтиёзи шкалада бўлинса мақсадга мувофиқ бўлади.

14-20 ц/ га ягона ер солиғи суммасидан 5 % чегирма бериш;

20-25 ц/га бўлса ягона ер солиғи суммасидан 10 % чегирма бериш;

25-30 ц/ га бўлса ягона ер солиғи суммасидан 15% чегирма бериш;

30 центнердан юқори бўлса ер солиқ суммасидан 20 % бериш;

- ирригация – мелиорацияси тадбирлари учун имтиёзли кредитлар ажратишни кўпайтириш

- ерларнинг мелиоратив ҳолати ва ирригация тизимларини яхшилаш ишларига бюджет маблағларини;

- ерларнинг мелиортив ҳолатини яхшилаш тадбирларига ҳукумат кафолатлари остида хориж инвестициялар ва грантлар жалб этишни кучайтириш;

Массивда 1980-1990 йилларда пахта ҳосили йилдан- йилга камайиб ҳар гектар ердан олинаётган ҳосил ўрта ҳисобида 24-25 центнер атрофида бўлиб қолган эди. Кейинги даврларда ҳам ҳосилдорликда сезиларли ўзгаришлар бўлмади. Бунинг асосий сабаблари эса республикамизда алмашлаб экиш схемаларига амал қилмаслик сурункасига ғўза ўстириш монокултура авж олганлиги бўлди. Охириги даврда келиб бутун сиёсат тупроқ

унумдорлигининг ошириб бориш ўрнига майдонларни кенгайтириш эса тупроқларнинг шўрланиш даражасини ортиши ва унумдорлигини пасайиб кетишига олиб келади. Натижада ҳосилдорлик ортиши ўрнига аксинча пахта толаси ва чигитларининг сифатига ҳам ёмон таъсир кўрсата бошлади.

Нихоят юртбошимиз ташаббуси билан билан пахта якка ҳокимлигига чек қўйилди. Натижада ҳукуматимиз раҳбарлари ва Деҳқончиликка мутассадди бўлган раҳбар ходимлар ғўза навларидан йул қўйилган камчиликларга танкидий нуқтаий назардан ёдаилди. Асосий эътибор аграномия фани ютиклари ва илкор тажрибаларга таянган ҳолда тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилди. Лекин шунга қарамадан, аввалги хатолар узок давр ўзини кўрсатди.

Массивда ғўза ўсимлиги мўл ҳосил тўплашда жуда катта ички имкониятларга эга. Шу сабабдан ҳам ғўза агротехикасини қанча чуқур ўргансак, массив да мўл ҳосил олиш мумкин.

2.6. Ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш.

Туманда қишлоқ хўжалик Маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосан фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ва қисман ширкат хўжаликларида амалга оширилади. Бу хўжалик юритиш шаклларида фермер хўжаликларининг Маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги унумли ўсиши тенденциясига эга бўлмоқда.

Массивда экин экилаётган майдон йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундай ҳол экинзорларни, аҳолига турар жойларини қуриш саноат суғориш иншоотларини барпо этиш учун ажратишини оқибатида юз бормоқда. Бу объектив жараён келжакда ҳам юз беради. Шунинг учун ҳам мавжуд ерлардан йил давомида оқилона, самарали фойдаланиш зарур. Лекин озуқа экинлари майдонларининг қисқартирилиши амалда алмашлаб экиш тартибининг бузилишига олиб келди, ҳамда чорва ҳайвонларининг мустакам ем-хашак базасини барпо этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис ҳам келжакда массивда ердан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш учун алмашлаб экишни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ҳозирги кунда массив ҳудудида экинлар экил аётган ерлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ҳаракат ижобий натижалар бермоқда. Сўнгги йилларда массивда бошоқли дон экинларнинг ҳосилдорлиги ошиб бормоқда.

2004-2011 йиллар мобайнида бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги массив бўйича 87,3 % ошиб, 35,4 центнерни ташкил этган. Бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини ошиши асосан республика ҳукуматининг ғалла мустақиллиги сиёсати амалга ошириши натижасидир.


Массивда ғалл, пахта экил ган майдонлардан юқори ҳосил олиб, ердан самарали фойдаланмоқдалар. Бунинг учун улар экин экил адиган ерларни вақтида сифатли ҳайдаб сара уруғларни янги технологиялар асосида экиб парваришга алоқадор бошқа тадбирларни эътибои билан ўтказилмоқда. Экинларга агротехник муддатларда сув, ўғит бермоқдалар. Етиштирилган ҳосилни ҳам қисқа муддатда сифатли қилиб йиғиштириб олмоқдалар. Массивда ҳар гектар қишлоқ хўжалик еридан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги 2008- 2011 йиллар мобайнидагина ошган.

Аграр массив ҳудудида қишлоқ хўжалик экинлари экадиган ерларни бир йилга эмас, балки камида алмашлаб экишни жорий этиш муддатига фойдаланиш учун ижарага бериш мақсадга мувофиқдир. Бу ердан фойдаланувчи ижара муддаталраида ишлайдиган фуқароларда тўлиқ ишончи шакклантирилади. Сўзсиз бу ҳол ердан фойдаланишга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгаришини таъминлайди. Ер – сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер- сув муносабатларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этиш тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ер ва сувнинг баҳоларини ва улардан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақларни солиқлар миқдорини реалроқ аниқлаш шунингдек, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги такрор ишлаб чиқарилмасилиги, ҳолати сифати, истеъмолчиларга узок- яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратўзилмалари билан таъминланганлиги, олинаётган Маҳсулот, фойда суммаси каби имкониятларни ҳам эътиборга олиш зарур. Ерлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун

- ер ислохоталарини қонунлар асосида яхши ўтказиш, уларни фойдаланувчиларга бериш, сотиш ;
- захлаб, шўрланиб ётган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш:
- Янги самарали тенхникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- Илмий ва амлий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;
- Экалогияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;
- Селекция, уруғчилик, агротехник тадбирларни сифатли амлага ошириш:
- Ишчи ва хизматчиларни моддий ва манавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш:

Маълумки экинларнинг ҳосилдорлик даражаси самарадорлигининг аниқлашнинг натурал кўрсаткичи бўлиб у ердан қанчалик унумдор фойдаланилаётганлигини ифода этувчи кўрсаткич ҳамдир. Таҳлилар натижаси шуни кўрстадики массивда қишлоқ хўжалик экини турларининг ҳосилдорлиги ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлик даражаси йилдан- йилга ортиб бораётганлиги ялпи Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳам ошишига олиб келмоқда. Бу борда массивда улкан ислохотлар олиб борилмоқда.

2.1- расм массивнинг лойиҳавий ечими



III- боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш.

3.1. Лойиҳани иқтисодий самарадорлигини асослаш.

Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини ишлаб чиқаришнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда ва инсонларининг ҳаётий эҳтиёжларини ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун иқтисодий ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган.

Иқтисодий самарадорлик бу инсонларнинг турмуш ва меҳнат шашароитини ўзгартириш ишга яроқли аҳолининг ишлатишдан энг юқори ва самарали фойдаланиш жараёнлар характерининг ўзгартиришдур. Ер тузишни ташкил қилиш ишларини иқтисодий асослашга қишлоқ хўжалиги ер турларининг йирик масшталари массивларни ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш табиий муҳитни соғломлаштириш киради. Бу ҳоллар иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи сифатида фойдаланинг олинishi ҳисобига моддий тадбирларга ажратилган фондларининг олинishi ва массив ҳудудида юкларнинг ва одамларнинг ташиш учун кетган вақтнинг камайishi массив маркзларини ободонлаштиришни яхшилашни қабул қилиш мумкин.

Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигининг ва мажуд самарадорликни тақосслаймиз. Иқтисодий самарадорликни аниқлаш учун соф даромадни аҳоли сонига бўламиз.

$$И = CDM = 1257031,5 = 89659$$

$$N_h = 14020$$

Бунда: N_c - мажуд иқтисодий самарадорлик киши:

CD_n – мажуд соф даромад

N_n – мажуд аҳоли сони киши

$$U \text{ с } CDL = 495703,5 = 26,7$$

$$18425 = 18425$$

Бунда:

U_c – Лойиҳавий иқтисодий самарадорлик сўм киши.

CD - Лойиҳавий соф даромад сўм

N - Лойиҳавий аҳоли сони киши

Демак: $U_c = 23,0$ сўм/киши:

$$U = 26,7 \text{ сўм/киши:}$$

3.2. Лойиҳани иқтисодий асослаш.

Лойиҳани иқтисодий асослаш учун қишлоқ хўжалик Маҳсулотларининг сотиш нархлардаги қийматларини аниқлаймиз. Қуйидаги 3- жадвалда қишлоқ хўжалик Маҳсулотларини қиймати кўрстилган.

Қишлоқ хўжалик Маҳсулотларининг қиймати.

Т/Р	Маҳсулот лар турлари	Маҳсулот хажми тонна	Ўлчов бирлиги қиймати минг. Сўм	Умумий қиймати
1	Пахта	5687,6	700	3981320
2	Ғалла	4460,4	300	1338120
3	Сабзовот	2288,9	300	686670
4	Мева	468	600	280800
5	Ўзум	788	600	472800
6	Маккажўхори дони	260	200	52000
7	Жами:деҳқончилик	13952,9		111111710
8	Сут	120	500	60000
9	Гўшт	15,5	7500	116250
10	Пилла	16,0	5000	80000
11	Жами: чорвачилик	151,5		256250
12	Жами:	14101,4		11367960

3.1- жадвалдан кўришиб турибдики массивда лойиҳа бўйича минг сўмлик қишлоқ хўжалик Маҳсулотлар етиштирилиди. Массивда ялпи Маҳсулот қийматидан ҳаражатларни аниқлаб оламиз

$ЯМҚ_{0,80}=x$ (монарх ҳаражатлар

$X = 11367960 \cdot 0,80 = 9094368$

Ялпи Маҳсулот қишлоқ хўжалик ҳаражатларини айирсак соф даромадопилади

$CD = ЯМҚ - x = 11367960 - 9094368 = 2273592$

Лойиҳани иқтисодий асослаш учун капитал ҳаражатларнинг йилар бўйича умумий қиймати қуйидагича ҳисоблаймиз ва соф даромадни аниқлаймиз.

Яъни: $d = CD - CD - CD$ $d = 495703,5 - 1257031,5 = -369999$

Бунда: d – соф даромад фарқи

CD – мавжуд соф даромад.

Капитал ҳаражатлар самарадорлигини аниқлаш учун мавжуд ва махфий соф даромадлар айирмасини ҳисоблаб олдик. Демак массивнинг рентабиллик даражасига тенг экан. Энди лойиҳанинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари **3.3- жадавалда** келтиримиз.

БМИ нинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари.

3.3- жадавал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Мавжуд	Лойиха бўйича	Фарқи (+,-)
1	Умумий майдони	га	6943	6943	
2	Шу жумладан:ҳайдалма ерлар	га	4580	4899	
3	Пахта майдони ҳосилдорлиги	ц/га	236024,1	245030,0	+
4	Бугдой майдони ҳосилдорлиги	ц/га	1922,623,2	2000,6 35,2	+
5	Ялпи пахта ҳосили	тонна	5687,6	7350	+
6	Ялпи бугдой ҳосили	тонна	4460,4	7042,1	+
7	Ялпи Маҳсулот қиймати	минг. сўм	8380210	9812320	+
8	Капитал ҳаражатлар	минг. сўм	101340	113400	+
9	Соф даромад	минг. сўм	1257031,5	1940507	+
10	Фойда	минг. сўм	12000	13000	+
11	Капитал ҳаражатларнинг самардорлиги	коэффициенти	0,85	0,90	+
12	Рентабеллик	%	17	25	+
13	Каптал ҳаражатларнинг қоплпниш даври	йил	1,8	2,0	+

3.3. Лойиҳани экологик асослаш

Ҳозирги замон экологияси шундай асов отки уни жиловлаш ва ўргатиш жуда мушкул.
Шунга қарасмасдан уни ўргатиш ва ўрганиш керак.

Экологик сиёсат давлат микёсидаги даражада амалга оширилса атроф-муҳитни яхшилашни белгилинган чора тадбирлар самарали бўлади. Ўзбекистонда бу масалага мустақилликка эришгандан сўнг алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз И. Каримовнинг “Ўзбекистон 21- аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқаролик шартлари таркиёт кафолатлари” асарида экология муаммолари бошқа давлат аҳамиятига эга бўлган иқтисодий, ижтимоий, ташқи сиёсат таркибида атрофлича таҳлил қилиниб амалга ошириладиган вазифалар очик равишда йўлга қўйилди. Асарда республикада яқин келажакда табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг тактика ва стратегияси асосланган.

Экологик сиёсат структураси (Тўзилмаси) анча мураккаб ва мазмунан бой бу экологик жавобгарлик, оқилона макроиқтисодий ва тармоқ сиёсатини ўтказиш атроф муҳит сифатининг андозалари ва вазифаларини саноат ва транспорт муҳитини ифлосланитиргани учун таритбга соилш итқисодий механизминини амалга ошириш, атроф- муҳитни муҳофаза қилишда қонунчиликни ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш бошқариш структурасини такомиллаштириш мониторинг ва экспертиза вазифаларини янада такомиллаштириш, экологик саводхонликни ошириш ва таълим- тарбияни янада яхшилаш самарвадорлигини ошириш ва бошқаришни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Улардан баъзиларинини таҳлил қиламиз.

Қишлоқ хўжалигида экологик муамоларини ҳал қилиш кўп омилларга боғлиқ. Тармоқ сиёсати, айниқса бозор иқтисодиётига ўтиш даврида катта иқтисодий ва экологик самара беради. Бозор муносабати билан ўтказиладиган хусусийлаштириш тадбирлари қишлоқда инқилобий хусусиятга эга. Чунки давлат буюртмаси секин- аста йўқота бориш, деҳқонларни ўзларини экин турларини аниқлашлар, дотациядан қутилиш саводини давлат тасаруфидан чиқариш каби тадбирлар ресурсладан тўғри фойдаланиш сиёсатни амалга оширишга катта имкониятлар беради. Бу сиёсат қуйидагиларни назарда тутди.

а) ерга бўлган экологик муносабатини тубдан ўзгартириш. Бу муамаларни ижобий қил иш Деҳқонларни суғорма ва лаъмли ерларга бўлган муносабатини яхшилайти. Деҳқон ўзига ажратиб берилган ер майдонини маълум муддатга берилишдан манфатдор, чунки у энди ерга ўз мулкидек муносабатда бўлиб унинг Маҳсулотларини муттасил ошириб боришга ҳаракат қилади, турли табиий антропоген жараёнлар таъсиридан сақлаш учун мунтазам курашади, унинг ҳар бир қароридан максимал фойдаланишга интилади. Бозорда талаб ва таклифни ўрганиб энг ҳаридоргир экин Маҳсулотларини сифатили қилиб етиштириш ҳаракатда бўлади.

б) ердан фойдаланишни ислох қилиш натижасида экологик масалаларни эътиборга олиш биринчи даражали амалий аҳамият касб этади. Деҳқон хўжалиги фермерлар, найчилар оила кудратчилари ерларининг маҳсулдорлигини сақлаб қолиш ва уни янада яхшилаш мақсадида мавжуд тупроқни муҳофаза қилиш чора тадбирларини ривожлантиришга интилади. Чунки бозор рақобати деҳқонни ўз участкасида сифатли Маҳсулот етиштириш илинжида барча катта кичик оддий ва мураккаб чораларни куллаш билан ҳар йили ҳаридоргир хомашё Маҳсулотларини бозорга чиқаради. Бу билан ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси суғорма ердан оқилона фойдаланилади. Бу жихатдан Деҳқон ёки фермер хўжалиги ишлаб чиқаришадан тубдан фарқ қилади.

Захматкаш халқимизда “Сен ерга боқсанг, ер сенга боқади” деган ажойиб нақл борки у амалда нега асрлардан бери синалиб келинмоқда. Шу маънода ҳар бир қарич ердан оқилона фойдаланиш ва ернинг ҳосилдорлигини тобора кўтариб бориш тамойилидан меҳнат қилиш, ерга сидқидилдан тўғри муносабатда бўлиш натижасидагина амалга ошириши мумкин. Бу билан нафақат деҳқон хўжалиги шунунингдек табиат муҳофазаси борасида ҳам давлат ҳам манфатдор.

В) давлат суғорма ералрини узоқ муддатда, фермер хўжалиги, пайчилик хўжаликларига берилиши ерадн фойдаланилганлик учун тўланиладиган солиқ механизминини такомиллаштири ва чуқурлаштиришни, ер ва сувдан фойдаланишни яхшилаш имконини беради.

г) турли кўринишдаги тупроқ ва ҳар хил Маҳсулотлардаги суғорма ерлардан етиштирилган Маҳсулотлар баҳосини аниқлаш ҳамда солиқ сиёсатининг оптимал бўлишига эришиши механизмларини яратади.

3.4. Тупроқни муҳофаза қилиш:

Айтиш ўринлики амалдаги ер қонунчилигига асосан тупроқни ишлаб чиқаришнинг табиий манбаи бўлган ресурси сифатидаги муносабатларини тартибга солади. Тупроқни муҳофаза қилиш энг аввало тупроқ, тупроқ деградациясини олдини олиш, унинг биологик хилма хилиги физикавий кимёвий таркиби, тузилиши ва ҳажмини сақлаш ва қайта тиклашдан иборитадир. Бу ўз навбатида ер қонунчилигида табиат объекти сифатида тупроқни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширган ҳолда ундан оқилона фойдаланишни тартибга солувчи ҳукукий меъёрларини янада такомиллаштириб бориш заруратини туғдуради.

Қишлоқ хўжалигида ва бошқа хўжалик фаолиятида тупроқ унумдорлигини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Тупроқ унумдорлиги қишлоқ хўжалиги Маҳсулотлари етиштирилиши самарадорлигини оширувчи табиий восита бўлиб, ҳосилдорлик кўпайишига хизмат қилади, шунингдек табиатни муҳофаза қилишда ҳам ўрни бекиёсдир. Шу сабабли ҳам ер қийматини нафақат ишлаб чиқариш объекти сифатида, балки биосферанинг таркибий элементи эканлиги билан ҳам оширади. Амалдаги қонунчиликни таҳлили шуни кўрсатадики ераларни ресурс сифатида яъни табиий ишлаб чиқариш манбаи

нуқтаи назаридан муҳофаза қилиш жараёнида тупроқни унинг унумдорлигини муҳофаза қилишга қаратилган меъёрлар ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштиришни тақоза этмоқда. Масалан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ерлардан оқилона фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларини тартибга солишчи меъёрларни ўзида акс этирган бўлиб унда ер мониторингини ер тузишни ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назорат талаблари белгилаб қўйилган. Лекин бу меъёрларнинг кўпроқ декларатив ҳарактерга эга бўлиб уларда тупроқдан оқилона фойдаланиш ва унинг унумдорлигини муҳофаза қилишни таъминлаш муносабатларини тартибга солиш тўлиқ ёритилмаган. Шу нуқтаи назардан қараганда амалдаги табиатни муҳофаза қилиш ва ер қонунчилиги табиатнинг ажралмас ва бетакрор бўлган тупроқни муҳофаза қилишга доир аниқ механизмлар билан тўлдирилиши лозим.

3.5. Табиатни муҳофаза қилиш ва уни асраш:

Президентимиз И. Каримов олий мажлисининг XIV сессиясида Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда мавзуида қилинган ҳам табиат муҳофазасига оид янги вазифаларни белгилаб берди. Чунончи 2005 йилга қадар қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш 85 % га етказиши керак. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, демак қишлоқ аҳолисининг катта қисми тоза ичимлик суви билан таъминланса улар орасидаги турли касалликлар камаяди, табиий газ билан қишлоқлар таъминланишини тўсиб турган дарахтларни ўтин қилиб ёқишнинг олдини олади. Бинобарин, ўрмонзор майдонларининг кенгайишини жадаллашади. Бу давлат миқёсидаги ҳақиқий экологик сиёсат. Ислоҳ Каримов китобида шунингдек экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан сув захираларининг тақчиллиги ҳамда ифлосланганлигикатта ташвиш туғдираётганлиги уқтиради. Дарё сувларининг ифлосланиши экология гигиена ва санитирия эпидемиология вазиятини айниқса дарёларнинг қуйи оқимларида ёмонлаштирилганлигини катта ташвиш билан ёзган. Ҳақиқатдан ҳам Қуйи Амударё Қуйи Зарафшон ва бошқа ҳудудларда сув тақчиллиги ва сувнинг ифлосланганлиги аҳоли орасида турли касалликларнинг тарқалиши нуқтаи назаридан катта экологик хавф ҳисобланади.

Орол денгизининг тезкорлик билан қуриб бораётганлиги хусусан Ўзбекистон ҳудуди учун жиддий хавф ахир денгиз бутунлай қурса унинг ўрнида майдони 6,6 м.л.н.дан зиёд қум ва тўздан иборат улкан орол чўли таркиб топади, бунинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ҳозордан маълум. Қорақалпоғистон, Хоразм, Тошхавўз воҳаларида табиат ҳўжалик аҳоли тизимида жиддий ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Қизилқум Қарши чўли Устюрт илатосида кейинги вақталарда нефть ва табиий газ қазиб олиш ва бошқа мақсадларга кенг миқёсидаги технологик жараёнлар амлга оширилмоқда катта майдонларда яйловлар ишдан чиқмоқда, яъни ҳаракатдаги қумлар майдони кенгайиши туфайли қорқкул қуйлари боқиладиган табиий яйловлардан деградиция кўчайиши тенденцияси юз бермоқда. Бу ҳодиса воҳалар билан чўл туташган минтақада ҳам барқарорлашмоқда. Бархан қумлари майдонинг кенгайишини жиддий экологик хавф унинг оқибатлари барчага аён.

Демак, республикада экологик хавфсизлик масаласи етарли даражада таҳлилиш уни маълум мажмуали дастурлар асосида босқичама босқич ижобий ҳал қилиш амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда атроф муҳитни муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий иқтисодий ва ташкил ий асосларини 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш” қонун белгилаб беради. Мазкур қонунга мувофиқ республикада табиатни муҳофаза қилиш таалуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш Олий Мажлисининг зиммасига юклатилган бўларга табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат экологик сиёсатини белгилаш давлат табиатни муҳофаза қилиш дастурларини тасдиқлаш шу соҳага оид республика қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш табиатни муҳофаза қилишга таалуқли қонунлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириб бориш ва бошқа вазифалар киради.

Ўзбекистон Республикасида экологик сиёсат юқорида айтиб ўтилганидек бир қатор қабул қилинган қонунлар “Ер тўғрисида” ги (20 июнь 1990 й) “Қазилма бойликлари тўғрисида” ги

(22 сентябр 1994 й) “Сув ва сувдан фойдаланиш ” (16 май 1993 й) Ўсимлик оламини химоя қилиш ва ундан фойдаланиш (26 декабр 1997 й) “Экологик экспертиза тўғрисида” ги (15 декабр 2000й) қонунлар шунингдек вазиралар Маҳкамаси қабул қилинган кўплаб қарорлар асосида амалга оширилади.

Юқоридагилардан шундай чиқариш мумкинки барқарор иқтисоди ривожланишини амалга ошириш учун аввало қулай экологик вазият ва мувозанатни мустаҳкамлаш ишлаб чиқаришни экологиялаштириш ҳамда табиат муҳофазасини мунтазам амалга ошириш борасида ресурслардан фойдаланиш барча соҳаларда йўлга қуйиш иқтисодий самарага эришиш устувор вазифалар бўлиб қолиш ва амалдаги бажарилиши лозим.

Ўзбекистонда табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг географик асосларини ишлаб чиқариш борасида талай ишлар қилинган уларнинг аксарияти амалиётга йўналтирилган.

IV- боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш

Меҳнат ҳавфсизлиги бўйича ташкилий ва профилактика чора- тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишни унинг умумий комплексини бажариш шунингдек меҳнат ҳавфсизлиги бўйича қоида ва меъёрларга риоят ҳамда назорат қилишни ва меҳнат қонунчилигини махсус хизмат органлари олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат муҳофазаси” қонунига асосан давлат корхоналари ва жамоа хўжаликларида штат рўйхати бўйича техника ҳавфсизлиги ва ёғин ҳавфсизлиги бўйича катта муҳандис лавозими тайинланади. Хўжаликда штат асосида техника ҳавфсизлиги бўйича муҳандисни ишга олиш мумкин бўлмаса у ҳолда техника ҳавфсизлиги ишларини ва улар кўрадиган чора- тадбирларни амалга ошириш зиммасига буйруқ билан юкланади. Меҳнат ҳавфсизлиги бўйича ишлаб чиқариш участкалари ва хўжаликлардаги жавобгар шахсларни асосий иш йўналишлари берилган.

Қуйидаги тизимда меҳнатини муҳофаза қилишнинг асосий тўрт йўналишлари баён этилган.

- 1). Ташкил ий ишлар
- 2). Иш шароитларини яхшилаш
- 3). Техника ҳавфсизлигини такомиллаштириш
- 4). Меҳнат ҳавфсизлигини назорат қилиш.

Хўжаликда жавобгар шахсларни асосий иш йўналишлари.

1. ташкил ий ишларга йўл- йўриқлар бериш ишчиларни махсус кийимлар ва шахсий ҳимоялаш воситалари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш участкаларини ва ёнғиндан ҳавфли жойларини бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш, меҳнат ҳавфсизлиги бўйича режа ва тадбирларни ишлаб чиқиш ҳавфсизлик меҳнат бўйича курс ўқитишларини ташкил этиш техника ҳавфсизлиги бўйича хона ва бурчакларни ташкил қилиш, техника ҳавфсизлиги бўйича ёзув ва огохлантириувчи белгиларни ёзув ва огохлантирувчи белгиларни осиб қуйиш хўжалиқдиги барча йўлларга йўл ҳаракати белгиларини ўрнатиш.
 2. Иш юритишни яхшилашга: хоналарни иситилишни яхшилаш, намликни, ёритилганликни меъёрлаштириш ва бошқалар кириди.
 3. Техника ҳавфсизлигини такомиллаштиришгаб тўсиқларни яхшилаш, химояловчи воситалар, автоматик сигнализация ва блокировкаларни ўрнатиш электр қурилмаларини ерга улаш ҳолатини вақтида назорат қилиш машина ва механизмларнинг ишлашини кузатиш ва шахсий химоя воситалари билан мустаҳкам таъминлаш кирази.
- Бу мустаҳкамловчи воситалар сифатида ёғоч тахталардан фойдаланиш мумкин Бу тахталарнинг қалинлиги 5 смдан кам бўлмасилги шарт. Чунки 3 метр чуқурликдаги деворларнинг бераётган босими 2 т/м^2 гача етиши мумкин.
4. Қудуқлар ёки ер қатламини ўрганиш учун қудуқлар қазишда қудуқ чуқурлиги 1,5 метрдан ошса албатта қудуқ деворларини мустаҳкамловчи воситаалр билан мустаҳкамлаб бориш талаб қилинади.

Қишлоқ хўжалигидаги механизациялашган жараёнларга (ерга ишлов бериш, ўғитлаш ва экинларга химикатлар билан ишлов бериш хавфсизликни таъминлаш талаблари.)

Қишлоқ хўжалигидаги механизациялашган жараёнлар хилма- хил бўлади. Шулардан ерга ишлов бериш жараёнлари бажарилади..Бу жараёнларни бажаришда юқорида қайд қилинган тадбирлардан ташқари ҳар бир технологик жараёнларни хавфсиз бошқариш учун ўзига хос хавфсизлик техникасига риоя қилишга эътибор берилишини кўзда тутилган Ерни шудгорлаш ва ерларни экишга тайёрлашда майдонларни шига тайёрлашда хавфли жойларни юелгилаш ҳар бир технологик жараёнлардаги техникаларга технологик хизмат кўрсатадиган хавфсизлик жараёнлари ишлаб чиқирилиши лозим.

Масалан ерни шудгор қилишда плутларга Т.Х.К. ҳамда технологик хизмат кўрсатишда хавфсизлик таалбалари.

Шудгор қилишдаги жароҳатланишлар асосан плутларга ҳар хил нарсалар тикилиб қолганда технологик хизмат кўрсатишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик натижасида содир бўладиган воқеалар. Пахталарни экишда териб олишда ҳам чигитларини солиш пахталарни териб олиш апаратларини ювиш каби технологик хизмат кўрсатишда хавфсизлик техникасига риоя қилмаслик кўп жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисаларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ерларга минерал ўғит бериш ва заҳарли химикатлар билан ишлов беришда механизаторлар ва ёрдамчи ишчиларнинг заҳарланиб қолиши ҳоллари тез- тез учраб турмоқда.

Шуни қайт этш керакки қишлоқ хўжалигида химикатларни қўлланилишини шу ишларни бажарувчи механизаторлар ёрдамчи ишчилар ва атрофдаги аҳоли учун ҳам хавфлидир чунки бу химикатлар одам организмига нафас олиш, тери ҳамда оғиз орқали тушиб одамни заҳарланиши мумкин.

Шунинг учун ҳам бу химикатлар билан ишлов бериш ишларини бажариш учун тиббий кўрикдан ўтган ҳамда химикатлар билан ишлаш бўйича махсус йўриқномалар олган ишчи ва механизаторларга руҳсат берилади.

Заҳарли химикат билан ишлайдиган техникалар ишини бажариб бўлгандан кийин махсус жойда ювилиб тозаланиши шарт.

Химикатларни экинларга сепиш ишлари шамол тезлиги 3 м/с да бўлмаган вақтда бажарилиши шарт. Иссиқхоналарга химикатлар билан ишлов берганда 6- 10 соатдан кейин очилиб яхшилаб шамоллатгандан кейин иссиқхона ичида ишлашга руҳсат этилади.

Қишлоқ хўжалик экинларини дефиляция қилишда фақат ер усти воситаларини қўллаш мумкин. Самолётлар билан ишлов бериш қатийян таъқиқланган самолётларни қўллаш фақат фавқулотда ҳолатларда соғлиқни сақлаш вазирлигининг руҳсати билан амалага оширилади.

Чорвачиликда хавфсиз иш шашароитани яратишда ўзига хос хавфсизлик талабларига риоя қилиниши керак.

Чорвачиликда хавфсизлик иш шашароитини таъминлаш учун қуйидаги тадбирлар кўзда тутилган.

1. Озуқаларни ва ем- хашакларни тайёрлашда ҳамда сақлашдаги хавфсизликни таъминловчи тадбирлар.

Ем- хашакларни тайёрлашда маъмурият томонидан хавфсиз иш шашароитни таъминлаш бўйича жавобгар шахс тайинланади. Бу жавобгар шахс хавфсизлик иш шашароитини ва ёғин олдини олиш бўйича техникаларни танлаш даврий равишда техника ва ёғин хавфсизлик талабларига риоя қилишни назорат қилиб боради.

Ем- хашак тайёрлашдаги хавфли ишларга ем- хашакларни ташиш, ем- хашакларни скреперлаш, селос ва сенажларни бостирш киради. Бу ишлар 1,2 классли механизаторларга руҳсат этилади. Ёрдамчи ишларни бажариш учун 18- ёшдан кам бўлмаган физиологик нуқсонлари бўлмаган ишчиларга руҳсат этилади. Дағал- ем- хашакларни тайёрлаш ишларига ишлайдиган ишчилар ҳар хил касалликлардан сақлаш мақсадидан шахсий ҳимоя воситалари(кўзойнак, қўлқоп, ва иш кийимлари) билан таъминланиши шарт.

2. Чорва фермалардаги қурилмаларга хизмат кўрсатишда хавфсизликни таъминловчи тадбирлар.

Чорва фермалари ва комплекслардаги механизм ва қурилмалар лойиҳада ҳисобга олинган техник хавфсизлик талабларига риоя қилинган ҳолда фундаментларга ташликларга ва фермер ва ферма деворлири маҳкамланган бўлиши керак. Қўзғалмас озуқа тарқатгич гўнглари тозалаш ишлари чорва моллари йўқ вақтида амалга оширилиши лозим. Чорва фирмалари ва комплексларидаги босим устидаги механизм ва қурилмалардан фойдаланишга қўйилган хавфсизлик техникасига риоя қилиниши шарт.

ХУЛОСА

Мамлакатимизнинг агросаноат мажмуида бозор муносабатлари ривожланиши фермер хўжаликларнинг Ўзбекистон иқтисодиётида туган ўрнини янгидан кўриб чиқишни тақозо этади. Қишлоқ хўжалигини барқарор суръатларда ривожлантириш учун ишлаб чиқариш жараёнларида самарали бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Тармоқни самарали бошқариш учун эса назоратни режалаштириш ва таҳлилини тўғри таҳлил этиш. Мавжуд ички мавжуд ички ресурслардан оқилона фойдаланиш лозим.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган фойдани кўпайтириш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш талаб этилади. Ўзига хос ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган қишлоқ хўжалик корхоналаридан ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича муаммолар долзарб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш уларнинг сифатини таъминловчи қуйидаги тадбирларга сарфлаш мақсадга мувофиқдир:

- янги ерларни комплекс ўзлаштиришга зотли сермахсул чорва хайвонларини яратиш сотиб олишга;
- янги боғлар тоқзорлар кўп йиллик дарахтзорларни барпо этишга;
- янги ирригация-мелиорация тизимини барпо этиш;
- ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш кимёлаштиришни ҳамда электрлаштиришни таъминлашга мавжуд асосий васиталарнинг ишга яроқлилигини таъминлашга;
- ўсимликшуносликнинг чорвачиликнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талабини имконият даражасига таъминлашга;
- ишчи хизматчиларнинг билимини малакасини юксалтириш ва моддий ҳамда маънавий раҳбатлантиришни таъсирчан усуллар орқали ривожлантиришга;
- ишлаб чиқаришни либираллаштириш, эркинлаштиришга, ислоҳатларни чуқурлаштиришга;
- ишлаб чиқариш давр харажатларини, молиявий харажатларни имконият даражасига камайтиришга;
- солиқ тизимини такомиллаштиришга.

Таъкидланган тадбирлар ўз вақтида сифатли амалга ошириш натижасида ўсимлик, чорвачилик маҳсулотлари миқдорининг кўпайиши ва қийматини ошириш таъминланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хажмининг ўсиши улар ички ва ташқи талабни қондириш мақсадида кўпроқ сотилишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалигида ялпи ҳосилни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш тадбирлари.

- экинларнинг серҳосил навларини чорва хайвонларининг эса сермахсул зотларини яратиш уларни ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштириш. Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш. Экинларни сув билан таъминлаш тадбирларни ривожлантириш;
- чорва хайвонларини сифатли озуқа билан таъминлаш ва озиклантиришни талаб даражасида ошириш;
- экологияни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларида маҳаллий маъданий ўғитларда ҳамда кимёвий воситалардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни талаб даражасида таъминлаш;

- маҳсулотларнинг сифатли уларни ташиш ва сақлаш жараёнларини яхшилаш тадбирларини тезкорлик билан амалга ошириш ва бошқалар.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси Т.Ўзбекистон 1992 й
2. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» Т. Шарқ, 2003 й
3. И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” Т.Ўзбекистон 1994 й
4. И.А.Каримов “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида” Т.Ўзбекистон 1997 й
5. И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т.Ўзбекистон 1998 й
6. И.А.Каримов “Жахон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шашароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т.Ўзбекистон 2009 й
7. И.А.Каримов “Барча режа ва дастурларимиз халқимиз фаровонлиги оширишга хизмат қилади” 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси Т.Ўзбекистон 2011 й
8. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” Т.Ўзбекистон 1998 й
9. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (1 ва 2 қисмлар) Т.Шарқ 1998 й
10. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Давлат кадастри тўғрисида” Т. 1998 й
11. Авезбоев С, Волков С.Н. “Ер тузиш иқтисоди” Т.янги аср авлоди 2002 й
12. Авезбоев С, Волков С.Н. “Ер тузиш иқтисоди” Т.янги аср авлоди 2002 й
13. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Тошкент, «Адолат», 1999, -446 бет.
14. И.А.Каримов “Барча режа ва дастурларимиз халқимиз фаровонлиги оширишга хизмат қилади” 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси Т.Ўзбекистон 2011 й
15. Ер муносабатларини тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1 – том Е. 1997 й
16. Рустамбоев М. ва бошқалар “Ер ҳуқуқи” дарслик Т.Тошкент Юридик институти. 2002 й
17. Қудратов О, Ғаниев Т. Фавқулудда вазиятларда фуқаро муҳофазаси . Янги аср авлоди 2005 й
18. Ғоипов.Х.Э, меҳнат муҳофазаси. Т.Меҳнат 2000 й
19. Юнусов М.Ю, Икромов Э.Ж Фуқаро муҳофазаси доимий зарурият. Уқув қўлланма Т. 2002 й

Интернет манбалари.

20. Землеустроительное проектирование 2 издание (Учебник и учеб. Пособия для ВЎЗ ов) WWW.ast.ru
21. Землеустроительное проектирование и организация землеустроительных работ WWW.prom.kz
22. Управления земельных ресурсов и землеустройства WWW.18 – rosfirm.ru
23. Управления мониторинга землеустройства и территориального планирование. WWW.kadastr.ru
24. Управления использованием земель сельскохозяйственного назначения в условиях WWW.baseref.ru
25. WWW.ziynet.uz .

